Қуёш чиққан энг яхши кун жума кунидир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Қуёш чиққан энг яхши кун жума кунидир. Одам шу куни яратилган, шу куни жаннатга киритилган ва ундан чиқарилган, қиёмат ҳам айнан жума куни қоим бўлади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш чиққан кунларнинг энг яхшиси жума куни эканини хабар бердилар. Унинг хусусиятларидан: Аллоҳ унда Одам алайҳиссаломни яратди, у куни Одамни жаннатга киритди ва унда у ердан чиқариб, ер юзига туширди. Қиёмат ҳам, фақатгина, жума куни қоим бўлади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3711